# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2014 йил — Соғлом бола йили

Oʻzbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 22-AVGUST, JUMA, 101 (8338)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!




**Шу кунларда Фарғонанинг таровати ўзгача. Ўзбекистон гавҳари дея ном олган ҳудуднинг ҳамма жойида яратувчилик меҳнати, шаҳарни янада обод қилиш жараёни қизғин давом этмоқда. Шаҳар қурилишидаги барча жабҳаларда тезкорлик кўзга ташланмоқда.**



# ЎЗБЕКИСТОН ГАВҲАРИ НОМИГА МУНОСИБ ФАРҒОНА

Илгари Фарғонада яшаган, бошқа шаҳарга кўчиб ўтган бир аёл яқинда фарзандлари, қўни-қўшниларини кўргани келиб, ҳайрону лол қолибди. У самолётдан тушиб яшаган манзилига етиб борибди-ю, бир вақтлар яшаган уйини тополмабди. Чунки тевара-атроф бутунлай ўзгарганди. Қад ростлаган муҳташам, замонавий бинолар, хиёбонлар, фаввораю атрофи анвойи гуллар билан безанган йўлаклар ва бошқа оройишлар унинг ақлини шоширибди.

– У-ку бошқа шаҳардан келиб, ўз уйини тополмабди, ўзимиз ҳам Фарғонанинг нариги томонидаги қариндошларимиз уйларини яхши маънода қийинчилик билан топяпмиз, – дейди шу шаҳарда истиқомат қилувчи Рустамжон Орипов. – Бунга шаҳардаги улкан ўзгаришлар, ободончиликлар сабаб бўлмоқда. Шаҳар бундан уч йил олдинги қиёфасига мутлақо ўхшамайди.

Шаҳардаги ўзгаришларни, обод кўча ва хиёбонларни, истироҳат боғларию мусиқали фавворалар ни кўрган ҳар бир киши ҳаяжонини яширолмайди. Уч йилга яқин вақт ичида шаҳардаги ўн саккизта кўча таъмирланди, кенгайтирилди, уларнинг кўпи шоҳ кўча қиёфасини олди. Шаҳар ҳавосини булғаб турган саноат корхоналарининг четга чиқарилиб, қайта қурилиши, юзлаб кўп қаватли турар-жой бинолари ва ҳовлиларнинг бунёд этилиши, коммунал тармоқларининг қайта қурилиши каби улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Президентимизнинг 2011 йил 15 ноябрдаги “2012-2015 йилларда Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳажмини кўриб, бир неча ўн йилликларга татигулик эканлигига амин бўласиз. Барпо этилаётган юзлаб янги иншоотлар, уй-жойлар, маданий-маиший бинолар шаҳар кенгайиб бораётганидан дарак беради.

Шаҳар кичик ҳалқа йўлининг ўн тўрт километрдан ортиқ босқичида қурилиш ишларининг дастлабки қисми якунланди. Ҳар бири қирқ метрга кенгайтирилган Ал-Фарғоний, Алишер Навоий шоҳ кўчалари тўлиқ фойдаланишга топширилгандан кейин жуда гўзал манзара касб этди. Ўттиз олти метрга кенгайган Қувасой кўчаси икки томонидан ҳам ноқулай жойлашган бинолар олиб ташланди. Ҳозир Фаробий, Сайлгоҳ, Ниёзий кўчаларини реконструкция қилиш ишлари давом эттирилмоқда.


**(Давоми 2-саҳифада)**











**Фарғона шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари халқимиз манфаати йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва унинг самараларига ёрқин мисол бўлади. Ушбу бунёдкорлик ишлари одамларнинг кўнглини кўтариб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.**

*Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” деган эзгу ғояни мужассам этган адабий-бадиий кечалар, давра суҳбатлари, турли маданий-маънавий тадбирлар ташкил этилмоқда, маданият ва санъат арбоблари билан учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказилмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб нишонлаш учун ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилмоқда.*

# БАЙРАМ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЎТИШИ УЧУН БАРЧА ЧОРАЛАР КЎРИЛГАН

**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Баҳодир ҚУРБОНОВ истиқлол байрами арафасида эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий юксалтириш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни доимо мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзуларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Шу сабабли Ватанни муқаддас деб билувчи ва уни асраб-авайлашни ўзининг фуқаролик бурчи, деб билган ҳар бир юртдошимиз мамлакатимиз мустақиллиги байрамини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш учун доимо катта тайёргарлик кўради.

Халқимиз орзиқиб кутадиган Мустақиллик айёми яқинлашиб келаётган шу кунларда юртимиз ўзгача кўрку таровот касб этмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаётган замонавий иншоотлар, хушманзара масканлар, гулларга бурканган ораста хиёбонлардан кўзингиз қувнайди. Қишлоқларимизда бунёд этилаётган замонавий таълим-тарбия, тиббиёт муассасалари, уй-жойлар юртимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Бетакрор диёримизнинг файзу тароватини ўзида намоён этган бош шаҳримизнинг шукуҳига шукуҳ қўшаётган кенг ва равон йўллар, кўприк ва транспорт боғламалари барчанинг эътиборини тортади.

Ёшларнинг таълим-тарбия олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши мақсадида ички ишлар идоралари ва маҳаллалар ўртасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Кейинги йилларда маҳаллаларда яна бир замонавий инфратузилма – болалар ўйин майдончалари қуриш кўлами кенгаймоқда. Бундай масканлар болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан чиниқишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳлининг ҳаёт даражасини оширишга йўналтирилган ишлар юксак самаралар бераётир.


**(Давоми 2-саҳифада)**


### АВГУСТ ОЙИДА ҚИЛИНГАН МЕҲНАТ — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИДИР

***Жорий йилда Сурхондарё вилояти фермерлари 119 минг 600 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил тўпламоқда.***

# МЎЛ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

Пахткорлар учун ҳосил тўплашда муҳим палла саналадиган август ойининг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, ниҳоллар парваришига алоҳида эътибор берилаётгани ютуқлар омили бўлаётир. Вилоятнинг уч мингдан ортиқ фермер хўжалиги “Бешқаҳрамон”, “Наманган-77”, “Бухоро-102”, “Султон” каби маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мос, эртапишар, серҳосил ғўза ниҳолларини тажрибали деҳқонлар маслаҳати асосида парвариш қилмоқда. Ҳосил чўғини сақлаб қолиш учун тунги суғориш, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш, чопиқ қилиш ишлари белгиланган муддатларда амалга оширилаётир. Ғўза ниҳолларини чеканка қилиб, бегона ўтлардан тозалашга эътибор кучайтирилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, ғўза – нозик ва парваришталаб ўсимлик. Вақтида суғорилмаса, гули тўкилиб кетади. Меъёридан ортиқча сув берилса ғовлаб, ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келади. Вақтида сифатли чеканка қилинган ниҳолларда ҳосил шохлари кўпайиб, ғўза энига ривожлана бошлайди. Шу вақтда “шарбат” усулида тунги суғориш ҳосилдорликни янада оширишга кўмаклашади.

– Бу йил асад ойи пахта ҳосилдорлигини оширишда жуда қулай келаётир, – дейди Музработ туманидаги “Холниёзов Ҳазратқул” фермер хўжалиги раҳбари Саъдулла Холниёзов. – 31,5 гектар майдонда “Бухоро-102” навли ғўза ниҳолларини парваришламоқдамиз. Об-ҳаво мўътадил келаётганидан фойдаланиб, дала юмушларини сусайтирмай, меҳнат қилмоқдамиз. Ғўза зараркунандаларига қарши биологик усулда ишлов бериш, культивация, бегона ўтлардан тозалаш ишлари тез ва сифатли амалга оширилмоқда. “Шарбат” усулида тунги суғоришни йўлга қўйдик. Ғўза чеканкасини қисқа кунларда якунладик. Ҳозир ҳар бир туп ниҳолда 16-20 тадан кўсак бор. Самарали меҳнатимиз эвазига ҳосил нишоналари янада кўпаймоқда.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан хабар қилишларича, воҳада бўлғуси йиғим-терим мавсумига пухта ҳозирлик кўрилаётир. Ҳосилнинг тез ва сифатли етилишига кўмаклашиш учун дефолиация қилинадиган майдонлар аниқланди. Жойларда йиғим-терим отрядлари тузилиб, етиштирилаётган мўл ҳосилни қисқа вақтда нестнобуд қилмай йиғиштириб олиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Наманган Вилояти

▼ КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

# ЭРТА ЭККАН, ЭРТА ЎРАДИ

**Жорий йил мамлакатимиз ғаллакорлари учун муваффақиятли келди. Улар 8 миллион 50 минг тонналик улкан хирмон яратишди. Юксак ғалла хирмонининг бунёд этилишида Наманган вилояти ғаллакорларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.**

Президентимизнинг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригида наманганлик фермерларнинг ҳам илғорлар қаторида эътироф этилганлиги, кўплаб фермер хўжаликларида ҳосилдорлик гектарига 60 центнерданга тўғри келганлиги, айниқса, Поп, Учқўрғон, Уйчи туманлари меҳнат аҳлига берилган юксак баҳо ҳеч кимни беэътибор қолдирмади. Бундай эътирофдан руҳланган вилоят ғаллакорлари халқимизнинг “Довон ошган чўққини кўзлайди”, деган нақлига амал қилиб, айни кунларда келгуси йил ғалла ҳосили учун мустаҳкам замин яратишга астойдил бел боғлашган.

– Келгуси йил ғалла ҳосили учун вилоятимиз бўйича жами 79 минг гектар майдонга бошоқли дон экинларини жойлаштириш кўзда тутилмоқда, – дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ўктамжон Эргашев. – Шундан 19 минг 830 гектари очиқ майдонларга, 59 минг 170 гектари эса ғўза қатор ораларига экилади. Ҳозирда вилоятимиз бўйича 179 та ғалла экиш отрядлари шакллантирилиб, улар таркибига ғаллачилик соҳасида мукаммал билимга эга бўлган тажрибали мутахассислар жалб этилди. Ғалла экиш ишларини тез ва соз ўтказиш, мавжуд техника воситалари ҳамда сув ресурсларидан оқилона ва унумли фойдаланиш, мавсум илғорларини ўз вақтида рағбатлантириб бориш чора-тадбирлари белгиланди.

Наманган вилояти ўзининг табиий иқлими ва тупроқ шароити билан республикамизнинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради. Табиий фарқланиш ҳатто вилоятнинг ўзида ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, тоғолди қир-адирликлардан иборат бўлган Янгиқўрғон, Чортоқ, Косонсой, Чуст туманларида орттирилган деҳқончилик тажрибасини Сирдарёнинг чап қирғоқ минтақасидаги шўртоб-шўрхок майдонлардан иборат Мингбулоқ, Поп ҳамда қисман Тўрақўрғон туманлари деҳқончилигига асло қўллаб бўлмайди. Шу боис, ғалла экиш бўйича ташкил этилган кўргазмали семинарлар экин майдонларининг тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда деҳқончилик маданиятини ривожлантиришга қаратилди.

Кўргазмали семинарларда вилоят ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

«Тошкент» халқаро аэропортидан турли касалликларга чалинган бир гуруҳ болалар бепул даволаниш учун Германияга жўнаб кетди.

Мазкур хайрия тадбири Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ва Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти ўртасида 2002 йилда ўрнатилган ҳамкорлик доирасида ўтказилмоқда. Ушбу ташкилотлар ҳамкорлигидаги бундай хайрли саъй-ҳаракатлар ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожланиши учун қулай шароит яратишга қаратилган.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан Соғлом бола йили деб эълон қилинган жорий йилда бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгайди. Масалан, шу йилнинг ўтган даврида “Соғлом авлод учун” фонди ва унинг ҳамкорлари кўмагида мамлакатимизда лаб-танглай нуқсони билан туғилган 172 нафар, шунингдек, турли туғма ортопедик касалликлари бор 15 ёшгача бўлган 204 нафар бола операция қилинди.

– Жорий йилнинг апрель ойида мамлакатимизга “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти мутахассислари ташриф буюриб, кам таъминланган 450 нафар болани тиббий кўрикдан ўтказди, – дейди “Соғлом авлод учун” фондининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Жумабек Нуров. – Ўнлаб болалар чет элда даволаниш учун Германия клиникаларига босқичма-босқич жўнатилади. Ҳозиргина халқаро мутахассислар ва фондимиз ходимлари ҳамроҳлигида 15 нафар бола Германияга жўнаб кетди.


**(Давоми 2-саҳифада)**

# БАЙРАМ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЎТИШИ УЧУН БАРЧА ЧОРАЛАР КЎРИЛГАН

(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий юксалишида, халқимиз фаровонлигининг мунтазам ошиб бораётганида юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳим омил бўлаётир. Энг катта бойлигимиз – тинчликни мустаҳкамлаш, осуда ҳаётни таъминлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, балки ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи эканини юртдошларимиз яхши билади.

Юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида бетимсол ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, диёримизда тинч, осойишта ва обод ҳаётни барпо этиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Терроризмга қарши кураш дунё миқёсидаги долзарб муаммо бўлиб турган ҳозирги вақтда халқимизнинг осуда ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини ташкил этади. Шу боис, Мустақиллик байрами шодиёналарининг мамлакатимиз бўйлаб тинч, осойишта, юксак савияда ўтишини таъминлаш мақсадида вазирлигимиз томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва у изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур режага мувофиқ айни кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар, шаҳар ва туманлар марказларида – байрам ўтадиган барча жойларда жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш, аҳолининг тинчлиги, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш юзасидан алоҳида гуруҳлар иш олиб бормоқда.

Тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик, аввало, оиладан, маҳалладан бошланади. Шуни эътиборга олган ҳолда, ҳар бир қишлоқ, овул, қўрғон ва маҳаллада ички ишлар идоралари ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, фаоллар, маҳалла оқсоқоллари, таълим-тарбия соҳаси вакиллари иштирокида аҳолини огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи "Тинчлик – улуғ неъмат", "Огоҳлик – давр талаби", "Ўз уйингни ўзинг асра" каби мавзуларда учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказилаётир.

Бундай тадбирларда истиқлолнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар, соғлом авлодни вояга етказишга катта эътибор қаратилаётгани, тинчлик ва осойишталикни, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланмоқда. Ватан имон-эътиқод, орият каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқлиги, мустақилликнинг моҳияти, халқимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўли, тарихан қисқа муддатда эришган улкан ютуқлари бундай учрашувларнинг бош мавзусига айланган.

Байрамни тинч ва осуда ўтказиш учун жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни янада кучайтириш, жамоат тартибини сақлаш, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаб, уларга жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ижобий профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида тегишли тезкор-профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилгани қўл келмоқда. Профилактик ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллалар, корхоналар, ташкилотлар ва ўқув муассасаларида учрашувлар ташкил этилмоқда.

Байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларда нохуш ҳолатларнинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида маҳаллий ҳокимликлар қошидаги оммавий тадбирларни ўтказиш бўйича махсус комиссиялар аъзоларидан иборат гуруҳлар ташкил этилиб, байрам билан боғлиқ барча объектларнинг техник ва ёнғин хавфсизлиги ҳолати атрофлича ўрганиб чиқилди.

Инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳаётини асраш масаласига доимо устувор аҳамият бериб келинмоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини мунтазам такомиллаштириш шу мақсадга хизмат қилади. Шу боис, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва транспорт воситалари билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, изчил амалга оширилмоқда. Байрам иштирокчиларини белгиланган манзилларга олиб бориш, олиб келишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундай хайрли ишлар истиқлолимизнинг 23 йиллиги тантаналари тинч-осойишта, катта қувончу шодиёналар билан ўтишининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Ушбу улуғ байрамни кўтаринки руҳда нишонлашга тайёргарлик ишлари қизғин бораётган бир пайтда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигига эътиборни янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад шодиёналар барча хонадонларда, маҳаллаларда, шаҳарларимиз кўча ва майдонларида тинч-осойишта ўтишини таъминлашдир.

Энг улуғ, энг азиз қадрият – Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртдошларимизни огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этиш, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш, ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ёшлар қалби ва онгини миллий ҳаёт тарзимизга ёт ғоявий таъсирлардан ҳимоялаш ҳар бир юртдошимизнинг муқаддас вазифасидир.

Осойишта юртда юксалиш бўлади, фаровон элдан хотиржамлик кетмайди. Бугун юртимиз шаҳар ва қишлоқлари кўчаларида, майдонларида, боғу роғларида сайр қилиб юрган болажонларни, ёшу кексаларни, уларнинг чеҳрасидаги хотиржамлик ва кўтаринки кайфиятни кўриб кўз қувонади, дил яйрайди. Албатта, осойишталик бор жойда тўй-тантана, байрамлар кўпаяди, шоду хуррамлик ҳукм суради.

Тинчлик – фаровонликнинг муҳим омили. Халқимиз тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишининг муҳим кафолати, деб билади. Зотан, тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон бўлган мамлакатда илм-фан, маданият юксак тараққий этади, бунёдкорлик ишлари ривож топади, юрт гуллаб-яшнайди. Шу боис, Ватан тинчлиги, эл-юрт осойишталиги учун наинки ички ишлар ходимлари, айни чоғда ҳар бир юртдошимиз ҳамиша ҳушёр ва огоҳ, фаол ва ҳамжиҳат бўлиши лозим.

**ЎзА мухбири**
**Беҳзод НОРБОЕВ**
**ёзиб олди.**

Самарқанд Вилояти

*Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида Самарқандда ҳам кўплаб бино ва иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Тайлоқ тумани "Боғизағон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ҳовузак қишлоғидаги 37-умумтаълим мактаби қайтадан қуриб битказилди.*

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТУҲФА

Икки қаватдан иборат 270 ўринли ушбу мактабнинг барча хоналари замонавий ўқув ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланиб, қишлоқ ёшлари ихтиёрига топширилди. Эндиликда ҳовузаклик ёшлар замонавий спорт залида машғулот ўташади. Бундан ташқари, байрам тадбирлари, йиғилишлар ҳам қулай ва замонавий фаоллар залида ўтказилади. Айниқса, мактабда 1-синф болалари учун инглиз тили фанини чуқур ўргатишга ихтисослашган синф хонасининг махсус жиҳозлангани ёшларга ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди.

– Давлатимизда ёшларга яратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлилар келажакда уларнинг ўз иқтидор ва истеъдодларини намоён этишида муҳим омил бўлади, – дейди мактаб директори Абдуфаттоҳ Исохонов.

**Нуриддин БОЛИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

(Боши 1-саҳифада)

Даволаниш учун юборилган болалар орасида Навоий вилоятининг Учқудуқ туманидан 10 ёшли Медет Байзахов ҳам бор. Икки йил аввал кучли куйиш оқибатида жароҳат олган Медетга шифокорлар ўз вақтида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатмаганида бола бир умр ногирон бўлиб қолиши мумкин эди. Ўтган йили боланинг ота-онаси "Соғлом авлод учун" фондига мурожаат қилди. Даволанишдан сўнг эса пластик жарроҳлик операцияси талаб қилинди.

– 2013 йилда хорижлик мутахассислар мени кўрикдан ўтказиб, даволаниш учун чет элга жўнатишга қарор қилди, – дейди Медет Байзахов. – Дастлаб, ота-онамсиз ёлғиз кетаётганимдан бироз хафа бўлдим. Аммо менга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик туфайли олти ой қандай ўтиб кетганини сезмай қолдим. Энг муҳими, ушбу муолажалардан сўнг соғлигим анча тикланди. Энди даволанишнинг иккинчи босқичидан ўтиш учун жўнаб кетяпман.

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида истиқомат қилувчи 12 ёшли Абдулазиз Тўраевни отаси Эргаш Тўраев кузатиб қўйди. Барча ота-оналар каби у ҳам ўз фарзандининг тўлиқ соғайиб кетишига ишонади ва акция ташкилотчиларидан ғоят миннатдор.

– Яратиб берилаётган бундай шарт-шароитлар учун давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдормиз, – дейди Э.Тўраев. – Шифокорларимиз ўз вақтида ёрдам кўрсатмаганида ўғлим ҳозир ёнимда бўлмас эди. Абдулазиз болалигида кучли куйишдан жароҳат олган ва бунинг оқибатида ортопедик муаммолар юзага келган эди. Тузалиш учун эса операция талаб этилди. Бундай мураккаб операциялар дунёнинг бир неча мамлакатидагина амалга оширилар экан. Чет мамлакатлар билан муносабатларимиз тобора мустаҳкамланиб бораётгани самарасида ўғлимни энг яхши клиникалардан бирида даволаш имкониятига эга бўлдик. Шу билан бирга биз, ота-оналар ўзимиз учун фойдали хулосага келдик. Яъни фарзандларимизга, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга эътибор беришимиз лозим.

Таъкидлаш керакки, 2002 йилдан буён юртимиздан оғир ортопедик касалликларга чалинган, лаб-танглайида нуқсони бор ва кучли куйиш жароҳатини олган 249 нафар бола Германиянинг энг яхши клиникаларида даволаниб қайтди. Айни пайтда яна 18 нафар бола ушбу мамлакатда даволанмоқда ва уларнинг 6 нафари яқин кунларда ўз уйига қайтиб келади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Бухоро Вилояти

*Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига бағишлаб Бухоро шаҳридаги Марказий маданият ва истироҳат боғида полизчиликни ривожлантириш, омилкор деҳқонларнинг изланиш ҳамда самарали меҳнатларини рағбатлантириш мақсадида анъанавий "Қовун сайли" ўтказилди.*

## ТИЛИМИ ТИЛНИ ЁРАДИ

***Бухоролик миришкорлар етиштирган қовунларга шундай таъриф берилди***



Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, истиқлол йилларида воҳада қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори полизчилик ҳам ривожланмоқда. Қувонарлиси, тармоқ тараққиётида кекса полизчиларнинг тажрибасини ўрганиш орқали йўқолган навларни тиклаш ҳамда илғор тажрибаларни қўллаш ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Бу галги қовун сайлида 130 нафардан ортиқ фермерлар ўз хўжаликларида етиштирилган 32 хил навли 650 тоннадан ортиқ ширин-шакар полиз маҳсулотлари билан иштирок этдилар. Улар орасида воҳа иқлим ва тупроқ шароитида мўл ҳосил берадиган ва тилими тилни ёрадиган даражада тотли бўладиган "Бўрикалла", "Гулоби", "Амири", "Кўкча", "Обиноввот" навли қовунлар кўпчиликка манзур бўлди. Шунингдек, полизчилар томонидан ўрта ва кечпишар навли қовунларни етиштириш борасида ҳам воҳада етарли тажрибалар тўплангани мутахассислар томонидан қайд этилди.

Тадбир якунига кўра, Пешку тумани полизчилари биринчи, Ғиждувон ҳамда Бухоро тумани миришкорлари иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди. Фермер хўжаликлари ўртасида эса Жондор туманидаги "Элмурод Дўстмурод Шаҳриёр" фермер хўжалиги мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## Ишбилармон талаба – истиқбол бунёдкори

Ёш тадбиркорларнинг замонавий иқтисодий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, уларда ҳақиқий мулкдорлик туйғусини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан ўн йил илгари академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Ишбилармон талаба» стипендияси таъсис этилган эди.

18-19 август кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Қуёшли" болалар соғломлаштириш оромгоҳида "Ишбилармон талаба" стипендияси танловининг жорий йилдаги республика босқичи юқори савияда ташкил этилди.

– 2004-2014 йиллар давомида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг 36 мингга яқини мазкур танловда иштирок этиб, 190 нафардан ортиқ ёшлар партиямизнинг махсус стипендияси билан тақдирланган, – дейди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Бегмат Очилов. – Қувонарлиси, ўтган давр мобайнида ушбу лойиҳада иштирок этган ёшларнинг 5 мингдан ортиғи айни пайтда ўз қишлоғи, шаҳрида тадбиркорлик, фермерлик ва касаначилик билан шуғулланмоқда. Жорий йилнинг июнь-июль ойларида бўлиб ўтган танловнинг ҳудудий босқичларида 6000 га яқин ёшлар иштирок этди.

Тадбир давомида ҳудудлардан келган ёшлар ўзининг амалий ишлари, тадбиркорлик салоҳиятини намойиш этди. Уларнинг ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.

– Мен қишлоқда яшайман. Мамлакатимиз аграр тармоғида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар боис, менда бу соҳага қизиқиш кучайди, – дейди Сурхондарё вилоятидан келган Лутфия Баратова. – Ушбу танловда асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш йўналиши буйича қатнашиб, бош совринни қўлга киритдим.

Тадбир якунида ҳудудлар кесимидаги 40 нафар ғолиб партиянинг махсус дипломлари, қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда "O'zLiDeP стипендиялари билан тақдирланди.

**С.САЙДИСЛОМОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН ГАВҲАРИ НОМИГА МУНОСИБ ФАРҒОНА

(Боши 1-саҳифада)

Шаҳар инфратузилмасини реконструкция қилиш ва янгидан қуриш ишлари сифатли бажарилди. 27 километрга ичимлик суви, 15 километрга электр, 18 километрга газ тармоқлари тўлиқ янгидан тортилди. 110 та трансформатор капитал таъмирланди, шундан 11 таси юқори кучланишлисига алмаштирилди. Яна янгидан қурилган иккита электр энергия тарқатиш шохобчаси билан қўшиб ҳисоблаганда бу ишларга 31 миллиард сўм маблағ сарфланди. Натижада 40 мингдан ортиқ аҳолининг ичимлик суви, иссиқлик манбаи ва электр таъминоти тубдан яхшиланди.

Фарғона шаҳри ичидан ўтган Марғилонсойнинг икки томонини тош билан қоплаш, ташқи томонларини кўркамлаштириш, устига кўприклар қуриш, қирғоқларини панжаралар билан тўсиш ишлари охирига етказилмоқда. Ҳозиргача битта янги кўприк қурилгани, саккизтаси реконструкция қилингани, еттита кўприкда қурилиш ишлари охирига етказилаётгани фикримизга далил бўла олади.

Шаҳарни қайта қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бошлангандан бери вилоят марказидаги ноқулай жойлашган ҳамда ўтган асрдан буён шаҳар ҳавосини бузиб келаётган ёғ-мой комбинати, фуран бирикмалари заводи, иссиқлик марказларини бошқа жойларга кўчириш ишлари ҳам муваффақиятли амалга оширилди. Ёғ-мой комбинати ўрнида Тошкент шаҳарсозлик қурилишларини лойиҳалаш институти меъморлари томонидан ишлаб чиқилган минг ўринли томоша залига эга Санъат саройи бунёд этилди. Ҳудуди салкам қирқ гектарни ташкил этувчи бу санъат обидаси атрофига ўн бир минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари экилди. Унинг етти ярим минг тупи каштан, эман, акация, қарағай, сафора, оқ қайиндан иборат. Хориждан келтирилган бу анвойи дарахтлар кўкка бўй чўзиб ўсяпти. Шарқ ва ғарб меъморчилиги анъаналари уйғунлаштириб барпо этилган улуғвор кошона узоқдан кўлда сузиб юрган оққушга ўхшайди. Унинг миллий услубда безатилган эшик ва устунлари, саҳна теграсидаги ранго-ранг ёриткичлари, томоша зали узра намоён этилган осмон гумбазининг бир парчаси тасвирланган манзара ва бошқа яна бир қанча қулайликлар, шарт-шароитлар бу сарой яхлит бир муҳташам санъат асари бўлганлигини кўрсатиб тургандай. Сарой жойлашган майдонда тўртта фаввора, иккита музқаймоқ шохобчаси, пиёдалар йўлаклари, суғориш ва ташқи ёритиш тизимларини қуриш ишлари якунланди. Ҳозирги кунда Санъат саройини кўргани узоқ-яқиндан келаётган кишилар бунёдкорлик ишларига тасаннолар айтишяпти...

Сув спорти мажмуаси биноси ҳам шаҳар ҳуснига чирой қўшиб турибди. У болалар ва ўсмирларнинг чиниқиб маҳоратларини оширишига хизмат қилади. Фарғона Олимпия захиралари коллежи биноси дизайн ва меъморчилик нуқтаи назаридан алоҳида ажралиб туради. Коллеж бугунги кунда мамлакатимиздаги энг нуфузли спорт масканларидан ҳисобланади.

– Кимдир бир кун Фарғонанинг ёғ-мой комбинати бузилиб, ўрнида мана шундай муҳташам Санъат саройи қад ростлайди деса, ҳеч ким ишонмасди, – дейди Риштон туманидан келиб шаҳарни томоша қилаётган кекса ўқитувчи, пенсионер Эркинжон Райимжонов. – Бу мустақиллигимизнинг шарофатидан, мамлакатимиз иқтисодий қудратининг ошаётганидан далолат беради. Кўкаламзорлаштирилган хиёбонлар, мусиқали фавворалар, боғлардаги болаларга ажратилган ўйингоҳлар киши баҳри-дилини очади.

Ҳарбийлар шаҳарчасида 34 та кўп қаватли турар-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди, 86 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Фуран бирикмалари заводи ўрнида қурилаётган 34 та кўп қаватли уйнинг 12 таси тўла битказилди. Бу ҳудудга "Мустақиллик" мавзеси деб ном берилгани ҳам ўзига хос рамзий маъно беради.



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Янги футбол стадиони қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Лойиҳа бўйича бу иншоотда 123 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Ҳозиргача 73,5 миллиард сўмдан ортиқ қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Атрофни ободонлаштириш, хизмат кўрсатиш мажмуасини ташкил қилиш, қўшимча йўлаклар қуриш ишлари ҳам якунланди. Стадион атрофидаги 9 гектар майдонда уч минг тупдан зиёд ноёб манзарали, бир ярим минг туп бутали дарахт кўчатлари ўстирилмоқда. Янги футбол мактаби биноси қурилиши давом этмоқда. "Нефтчи" футбол жамоасининг эски стадиони ўрнида спорт-соғломлаштириш комплексини ташкил этиш ишлари охирига етказилмоқда.

Фарғона "Деҳқон бозори"да бошланган кенг кўламли қурилиш ва реконструкция ишлари қизғин давом этмоқда. Бозор харидорлар ва сотувчилар учун барча қулайликлар яратилган обод ва ораста манзилга айланди. 336 та савдо ўрни, 40 та савдо дўкони, Миллий банк шохобчаси мавжуд. Бу ишларга 474 миллион сўм саблағ сарфланди. Энг асосийси, Фарғона бозорида водийнинг энг сархил мевалари, сабзавот ва полиз маҳсулотлари тўлиб-тошганлигида.

Фарғонанинг кўчалари ва хиёбонларини замонавий талабларга мослаштириш ва кўкаламзорлаштиришнинг ҳам аниқ режаси ишлаб чиқилган. Шу мақсадда Мустақиллик ва Ал-Фарғоний кўчаларида ландшафт архитектураси асосида "Каштан дарахтлари аллеяси" ташкил этилди. Алишер Навоий, Баҳор, Аэропорт, Оқ арик, Нурафшон ва бошқа туташган кўчалар қирғоқларига 11400 тупга яқин манзарали дарахтлар экилди.

Фарғонанинг Халқаро аэропорти янада кўркам бўлмоқда. Унинг расмий делегацияларни қабул қилиш биносини янгидан қуриш, жиҳозлаш ва ташқи ободонлаштириш ишлари охирига етказилди. Шаҳардаги ижтимоий тармоқлар бинолари ва аҳоли турар-жойларини иссиқлик манбаи билан таъминлашга катта эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда 4,5 километр иссиқлик тармоғи қуриш ҳамда қозонхонани реконструкция қилиш ишларининг 1-босқичи тугалланиб, 20 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилди. Бу билан 48 та ижтимоий соҳа муассасаси ва 264 та кўп қаватли уй иссиқлик билан таъминланди, шу билан бирга, яна 150 га яқин кўп қаватли уй иссиқхона тармоғига улашга тайёрлаб қўйилди.

Шаҳарда мавжуд боғларни замон талаблари асосида қайта шакллантириш, уларни аҳолининг маданий ҳордиқ чиқарадиган масканларига айлантириш борасида бар қатор самарали ишлар амалга оширилди. Аҳмад ал-Фарғоний истироҳат боғи бугунги кунда байрамона безатилган. Юқорига отилиб турган фавворaларнинг муздай шабадаси салқинида жажжи ўғил-қизларини етаклаб олган ота-оналар кети узилмайди. Бу ерда болаларга аталган аттракцион ўйинлар, салқин ичимликлар ва музқаймоқлар шохобчалари ишлаб турибди. Яқинда боғда юз ўринли "Қўғирчоқ" театри биноси фойдаланишга топширилди. Сайлгоҳ ва Мустақиллик кўчалари орасидаги "Болалар боғи" реконструкция қилиниб, замонавий аттракционлар ўрнатилмоқда. "Тўқимачилар боғи"да ҳам реконструкция ишлари тугалланди, муҳими, бу ерда болалар учун энг замонавий аттракционлар ўрнатилди.

– Фарғонанинг бу даражада гўзалликка бурканаётгани, мамлакатимизнинг чинакам гавҳарига айланаётгани меҳнаткаш халқимизнинг аҳиллиги, Юртбошимизнинг эътибори туфайли деб биламан, – дейди бир неча йил вилоят халқ таълими соҳасига раҳбарлик қилган, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, бу йил етмиш беш баҳорни қаршилаган Турсунали Қурбонов. – Илгариги давр билан ҳозирги мустақиллик йилларини бир-бирига таққослаб "Ким эдигу ким бўлдик", деб ўйга толаман. Фарғона шаҳрининг икки-уч марказий кўчасидан ташқари кўчалар тор, уйлар пахсали бўларди. Бу манзарани бошқа туман ва шаҳарларда ҳам кўриш мумкин эди. Бугун Фарғонамизга кўз тегмасин. Бу ғамхўрликлар эвазига мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига ҳар бир киши муносиб ҳисса қўшиши шарт, деб ўйлайман.

Устоз ҳақ гапни айтди. Вилоят аҳли ҳамма соҳаларда қатор ютуқларни қўлга киритмоқда. Фарғоналик деҳқонлар бу йил 112 минг 500 гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонналик юксак хирмон бунёд этилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Вилоят фермерлари ва қишлоқ хўжалик ходимлари пахтачилик соҳасида ҳам илгари эришган ютуқларини мустаҳкамлаб, бу йил ҳар йилдагидан кўп "оқ олтин" етиштириш мақсадида фидокорона меҳнат қиляптилар. Бошқа соҳаларда эришилаётган муваффақиятлар замирида ҳам мутахассислар, тадбиркорлар ва оддий ишчиларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Фарғоналиклар ёркин келажакка дадил қадамлар билан бормоқдалар. Уларнинг қалбида шукроналик билан бирга фахрланиш туйғуси барқ уриб турибди. Ҳар бир кишининг дилида ва тилида – юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, Мустақиллигимизга кўз тегмасин, уни мустаҳкамлаш ишидан бирон киши четда қолмасин, деган орзу-ниятлар мужассамдир.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги олдидан

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан миллий театримизнинг халқимиз бой маданий меросини асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш борасида тутган ўрни мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

# ТЕАТР ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНДИ

“Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В.Умаров, Ўзбек Миллий академик драма театри директори М.Исмоилов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида театр санъатининг ўзига хос анъана ва мактабларини ривожлантириш, ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, қатъий эътиқод ва қарашларга эга, мустақил ва соғлом фикрли инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилувчи замонавий қаҳрамонлар сиймосини саҳна асарларида акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 январдаги “Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори театрнинг нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида профессионал театр санъатини ривожлантириш, халқимиз бой маданий меросини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш, ёш истеъдодларни тарбиялаш борасидаги улкан хизматларига берилган муносиб баҳо бўлди.

Анжуманда таъкидланганидек, мазкур қарор ижроси юзасидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси томонидан аҳолининг кенг қатлами иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қатор ижодий учрашувлар ўтказилди, спектакллар намойиш қилинди.

Юбилей арафасида “Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди, “Ўзбек Миллий академик драма театри” китоб-альбоми кенг оммага ҳавола қилинади. Театр дарғаларининг ҳаёти ва ижоди, ҳалоллик, дўстлик, ишқ-муҳаббат, одамийлик каби фазилатлар ифода этилган, замон ва инсон муаммолари ҳақида баҳс юритадиган, томошабинлар хотирасидан ўчмай келаётган саҳна асарлари лавҳалари акс эттирилган экспонатлардан иборат музей ташкил этилмоқда.

Матбуот анжуманида мамлакатимизда профессионал театр санъатини ривожлантириш, Ватанимизнинг бой тарихи, аждодларимизнинг ўлмас меросини, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларни акс эттирувчи бадиий баркамол асарлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида фикр юритилди, журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Хоразм Вилояти

▼ ҚИШЛОҚ МУЛКДОРИ

# БОҒОЛОН БОҒЛАРИДАГИ БАРАКА

## СОЛИЯЖОН МАТЁҚУБОВА СИНГАРИ ФИДОЙИ ФЕРМЕРЛАР МЕҲНАТИ САМАРАСИДИР



Воҳанинг азалий сув йўлларидан бири — Қилич Ниёзбой каналининг ўнг соҳили бўйлаб кетган асфальт йўлдан бироз юрилгач, кўзингиз осмонўпар тераклару салладор гужумлар ва серсоя толлар билан ўралган масканга тушади. Бир томони боғ, бир томони мавжли тўлқинлари дилингизга ўзгача сурур бахш этувчи каналдан иборат бу жойни, канал ёқаларидаги дарахтларни кўриб, бу ер бирор оромгоҳ бўлса керак, деб ўйлашингиз табиий. Бироқ, бу сўлим гўшага яқинлашгач, дарвоза пештоқидаги “Янгибозор тумани Боғолон қишлоғи “Хушнуд” фермер хўжалиги” деган ёзувга кўзингиз тушиши билан фикрингиз ўзгаради.

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг илк йилларида қалдирғоч фермерлар сафида 3 гектарлик экин майдони билан фаолият бошлаган, олий маълумотли мутахассис, фидойи аёл Солияжон Матёқубова раҳбарлигидаги “Хушнуд” фермер хўжалиги аъзолари ўзларининг ҳалол ва машаққатли меҳнатлари, омилкорлиги ва тадбиркорлиги билан мана шундай натижага эришмоқдалар.

Кейинги йилларда тинибтинчимас Солияжон опа раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги фаолияти кенгайиб, нафақат Янгибозор тумани, балки воҳанинг пешқадам хўжаликларидан бирига айланди. Ундан урганувчилар сони ортди. Пахтачилик-ғаллачиликдан ташқари пиллачилик ривожланди. Фермер хўжалиги аъзолари ҳар мавсумда 500 килограммдан ошириб юқори навли “кумуш тола” етказиб беришади. 7 гектар майдонда боғдорчилик, узумчилик ташкил қилинди. Кўчатлар оралиғида экилган полиз ва сабзавотлар ҳосилининг керагидан ортиқча қисми бозорларга чиқарилади. “МТЗ-80”, “Алтай”, “Т-28” русумли тракторлари ва уларнинг тиркамалари ёнига замонавий комбайн, шоли ва ун тегирмонлари, тонналаб мева-сабзавот сақлайдиган совиткич, сув чиқариш насослари қўшилди. Кўплаб ёшлар иш билан таъминланди. Шуниси диққатга сазоворки, 132 гектар экин майдонининг катта-кичик сув йўллари сув тўсқичлар, темир қурилмалар билан жиҳозланди.




— Истиқлолимизнинг 23 йиллиги нишонланадиган йилда экин майдонларимизнинг ҳаммасидан юқори ҳосил олишга пухта замин тайёрлаганмиз, — дейди Солияжон опа. — Биз, аввало, тупроқни тўйинтиришга, уни парвариш қилишга катта аҳамият қаратамиз. Ерни ардоқласанг, у бор бисотини сендан аямайди. Минерал ва маҳаллий ўғитларни тупроқ шароитидан, экинлар ҳолатидан келиб чиққан ҳолда айни керакли вақтда ишлатамиз.

Солияжон опанинг сўзларига қараганда, амалдаги йилда 50 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 70 центнердан ортиқ ҳосил олиниб, давлатга 147 тонна буғдой сотилган. 75 тоннаси ишчиларга тарқатилган, қолган 138 тоннаси омборда сақланмоқда. 50 гектар майдонда ўстирилаётган “Меҳнат” навли пахтадан 40 центнердан ҳосил олиш режалаштирилмоқда. Ҳосилнинг асосий қисми уруғлик учун топширилади. 35 бош зотдор қорамол, 30 бош қўй-қўзи, 250 бошдан зиёд паррандадан иборат чорвачилик, паррандачилик қўшимча тармоқлари аллақачон сердаромад соҳага айланган.

Биз хўжаликнинг Мухтор Қаландаров, Умар Холмуродов, Бозорбой Авезов, Шокир Қурбонниёзов каби аъзолари билан суҳбатлашганимизда уларнинг қилаётган меҳнатларидан рози, фермер хўжалиги эришаётган ютуқлардан фахрланишини сездик.

Ҳа, Солияжон опа Боғолонда ўзига хос тажриба мактаби яратган, сахий тупроғимиз саховатию далалар тароватини шижоатию матонати билан ошираётган табиркорлардан бири. Унинг орзулари билан танишар эканмиз, оиласини обод этиб, юртга хизмат қилиш иштиёқи билан яшаётганини англаймиз.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

○ Реклама ва эълонлар

**SOTILADI:**

**QOG‘OZ**

OFSET 55,70. 80 gr.
ETIKETKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr.
MELOVANNAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.
QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr.
QOG‘OZ QOPCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr.

Shuningdek, **QALIN QOG‘OZ**

SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr.
DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr.

«ABSOLYUTE BUSINESS TRADE» XK xizmat ko‘rsatadi
Mahsulotlar sertifikatlangan
Xizmatlar litsenziyalangan

**ПРОДАЁТСЯ:**

**БУМАГА**

ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 гр.
ЭТИКЕТОЧНАЯ (UPM Финляндия) 80 гр.
МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 гр.
УПАКОВОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 гр.
МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 гр.

А также, **КАРТОН**

ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 гр.
ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 гр.

Услуги оказывает: ЧП «ABSOLYUTE BUSINESS TRADE»
Товары сертифицированы
Услуги лицензированы

+99895 194-00-14, +99898 362-91-11

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2014 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛОТ № 33:

**Лот № 33-1: “Жиззах вилояти Пахтакор тумани Пахтакор шаҳрида 2 дона дренаж кудуқларини қуриш”.**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 151,287 млн. сўм, ҚҚС билан 181,544 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати:** 2014 йил 20 декабргача.

**Лот № 33-2: “Жиззах вилояти Дўстлик тумани Дўстлик шаҳрида 2 дона дренаж кудуқларини қуриш”.**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 148,343 млн. сўм, ҚҚС билан 178,011 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати:** 2014 йил 20 декабргача.

**Молиялаштириш:** давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачининг манзили:** Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 100-уй. Телефон: (8-372) 222-46-40, 222-26-41.

*Диққат! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

*2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.*

**Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган:** оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси 63-уй 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 70000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 100-уй (вилоят ҳокимлиги ЯБХ инжиниринг компанияси биноси), мажлислар зали.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ОБЪЕКТ НОМИ: **«Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги “Мурувват” болалар уй-интернатининг ошхона ва 200 ўринли асосий ётоқхона биносининг реконструкция ишлари».**

**Муддати:** 12 ой.

**Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 4 332 079 519 сўм, ҚҚС билан 5 198 495 423 сўм.

**Буюртмачи:** “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси 37-уй. Тел.: (8-373) 244-24-33, (8-595) 400-52-80.

**Қурилиш ишлари:** Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

*Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.*

**Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 % миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:** қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Фарғона шаҳри Темирйўл кўчаси 37-уй. Тел: (8-373) 244-55-32, (+99898) 276-25-48.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 30 кундан сўнг Фарғона шаҳри Темирйўл кўчаси 37-уйда ўтказилади.

Тошкент вил. Қуйи Чирчиқ т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИда (реестр № 1339, 01.05.2008 й.) рўйхатдан ўтган Қуйи Чирчиқ т. “Тошовул” ҚФЙ М.Отажонов фху 5-бўлими манзилида жойлашган “MARD BARAKA” ХК (СТИР 300822417) устав фонди 300 000 000 сўмдан 500 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент ш. Сергели т. Шукур Бурхонов номли маҳалла фуқаролар йиғинига тегишли Тошкент шаҳар статистика департаменти корхоналарни давлат рўйхатига киритилган далолатнома ва гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Сергели т. “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғинига тегишли Тошкент шаҳар статистика департаменти корхоналарни давлат рўйхатига киритилган гувоҳнома ва далолатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Сергели т. “Бобур” маҳалла фуқаролар йиғинига тегишли Давлат рўйхатига киритилган далолатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“TRIO INVEST GROUP” МЧЖнинг устав фонди 140 782 112,36 сўм миқдоридан 4 000 000 сўм миқдоригача камайтирилади. Мурожаат учун тел.: 273-99-90.

ЧП “IDEAL TEHNO UNIT” ликвидируется. Претензии и требования предъявляются в течение двух месяцев по тел.: 120-62-32.

Утерянный план и домовая книга квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзар-6 д. 15 кв. 65 выданный кадастровой службой Чиланзарского р-на на имя Дорошенко Владимира Петровича, считать недействительными.

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги “ГЮВ” коллекторини қуриш.**

**Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 15 138 427 566 сўм. **Ишларнинг тугалланиш муддати:** 24 ой.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

**Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

*2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.*

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

**Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади:** иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй 308-311 хоналар. Тел: 241-15-26, 241-15-32, факс: 241-15-37.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

ООО “VINTAGE TECHNO TRANS” (ИНН 302568461) зарегистрированное ИРСП Хамзинского р-на (реестр № 004417-07, 05.04.2013 г.) расположенное по адресу: ул. Джаркорганский д. 22 ликвидируется (решение учредителя о добровольной ликвидации от 21.08.2014 г. № 1). Претензии принимаются в течение 2 месяцев по тел.: 188-32-84.

ООО “VIP CONCIERGE SERVICE” (ИНН 302148042) зарегистрированное ИРСП М.Улугбекского р-на г. Ташкента 02.12.2011 г. по адресу: г. Ташкент ул. Буюк Ипак Йули д. 2 реорганизуется в форме присоединения к ООО “INFORMATION TECHNOLOGIES AND SECURITIES”, которое становится правопреемником по всем правам и обязанностям присоединяемого предприятия (решение № 4 от 20.08.2014 г.). Кредиторы вправе в течение 30 дней с даты настоящего опубликования письменно предъявить претензии и требования.

Тошкент ш. Учтепа т.даги 245-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан Абдуллаев Иброхим Абдухамит ўғлига 18.06.2010 й.да берилган V № 4616453-сонли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Узбекско-Японское СП ООО “MEMORIAL MEDICAL CENTER” (ИНН 207201024) зарегистрированное Министерством Юстиции Республики Узбекистан (24.12.2013 г., № 4776) расположенное по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н 19 кв-л на пересечении улиц Дехконобод и Халка Йули на основании протокола № 2 внеочередного общего собрания учредителей от 07.08.2014 г. ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: (+99890) 920-50-29.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 004056-07, 03.09.2012 й.) рўйхатга олинган Ҳамза т. Илтифот кўч. 123-уй манзилида жойлашган “ZOXID KAPITAL PLYUS” ХК (СТИР 302375670) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 21.08.2014 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 616-11-66 тел. орқали қабул қилинади.









# ЗОМИН ТОҒЛАРИДАН СИРДАРЁ БЎЙЛАРИГАЧА

## Истеъдодли рассом Анорқул Бойбеков портретига чизгилар

**Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, сирдарёлик истеъдодли рассом Анорқул Бойбеков гўзал манзаралар, рангларни нозикона идрок этади. Хаёлоти чексиз мўйқалам соҳиби ҳар бир чизгисида янги оламни кашф қилади.**



Тошкентдаги П.Бенков номидаги рассомчилик санъат билим юртини 1990 йилда тамомлаган ёш мусаввир Ўзбекистон халқ рассомлари Рўзи Чориев, Ваҳоб Зиёев ҳамда Фахриддин Зайниддинов каби таниқли устозларидан рассомчилик сир-асрорларини қунт билан ўрганди. Унинг пейзаж жанридаги “Ўлкамда баҳор”, “Сирдарё бўйларида”, “Мирзачўл тонги” ҳамда Зомин тоғ этакларидаги гўзал манзаралар акс эттирилган “Ўрикли қишлоғи” расмлари манзараларнинг тиниқлиги, рангларининг бетакрорлиги билан сизни ҳайратга солади. “Сирдарёнинг очилмаган сирлари” туркум асарида Хўжанд, Метин кийик, Чиноз, Сайхун, Қолгансир ва Ойим тўқай кечуви, яъни “Етти кечув” тарифини ранго-ранг жилоларда акс эттиради. Айниқса, рассомнинг Зомин тоғ этакларида яратилган “Тоғ оҳуси”, “Арчазорда”, “Қишлоқ оқшомлари”, “Харсангтош ёнида” расмлари рангларининг ёрқинлиги, қишлоқ ва тоғ манзаралари жуда табиий ифода этилгани билан ажралиб туради. “Олтин куз” асарида куз фаслининг гўзал жозибаси, олтиндек товланаётган япроқлар, мавжланиб оқаётган сув, маҳобатли тоғ манзаралари камалакнинг етти рангидек сержило бўёқ ва рангларда сайқал топган.

Рассомнинг портрет ва натюрморт жанридаги асарлари ҳам рангларининг жозибаси билан киши эътиборини тортади. Унинг меҳнат илғорлари акс эттирилган “Портрет”лари, “Гулдондаги гуллар, “Мевалар”, “Қовун-тарвузлар” тасвирлари чизилган натюрмортлари шулар жумласидандир.

Изланувчан рассом 2004 йилда “Энг улуғ, энг азиз” республика кўрик-танловида “Сайхун кечуви” туркум асарларини намойиш этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ўз ижодига ишончи ортиб борган Анорқул Бойбеков хорижий давлатларда ҳам ранго-ранг асарларини намойиш эта бошлади. Чунончи, рассомнинг “Тонг”, “Шом”, “Ойдин кеча”, “Зомин тоғида байрам” каби жами ўн бешта асари Лондондаги, “Хаёл оғушида”, “Ўтмиш” ҳамда “Куз гулдастаси” сингари ўттизта сараланган расмлари Япониядаги кўргазмаларда намойиш қилинди.

2006 йилда истеъдодли рассом Анорқул Бойбековнинг Голландия ва Франция давлатларида шахсий кўргазмалари очилди. Сўнгроқ Белгия, Германия ва Польшада ўтган кўргазмаларда ранг-баранг жанрдаги асарлари билан фаол иштирок этди. Шу тарзда рассом истеъдодига хорижликлар ҳам тан бера бошладилар. 2008 йилда Корея ва Хитой давлатларидаги, 2009 йилда Қозоғистон, Россия ва Малайзиядаги кўргазмаларда унинг бетакрор асарлари юқори баҳоланди. А.Бойбеков 2010 йилда Япония ва Туркманистонда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада ўз асарларини намойиш қилди. 2011 йилда Веънам ва Корея давлатларида бўлиб ўтган кўргазмаларда унинг асарлари хорижликларда жуда катта таассурот қолдирди.

Анорқул Бойбековнинг ташаббуси билан 2005 йилда Сирдарёда вилоят бадиий ижодкорлар уюшмаси ташкил этилди. Шундан бери у вилоят Бадиий ижодкорлар уюшмаси раиси, вилоят расмлар галереяси раҳбари сифатида юзлаб ёш рассомларнинг кўргазмаларини ташкил этаётир. Иқтидорли шогирдлари Бекзод Қаҳҳоров, Ҳаёт Абдуллаев, Дилдора Азимова, Ёқубжон Бекназаровлар турли танловларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашди. Бундан ташқари, расмлар галереяси қошида “уста-шогирд” мактаби йўлга қўйилган. Шогирдлар расм чизиш сирларини устозлардан ўрганиш билан бирга бу ерда ўз асарларини ҳам намойиш этиб боришмоқда. Тиниб-тинчимас, изланувчан рассом бўш вақтларида Гулистон санъат коллежида амалиёт дарслари ва машғулотлар олиб бориб ёш иқтидорларнинг камол топиши, қунт билан изланишлари йўлида уларга яқиндан кўмак бериб келаётир.

Суратларида Ватанимизнинг, она табиатнинг бетакрор гўзалликларини акс эттираётган иқтидорли рассом 2007 йилда Ватанимизнинг юксак мукофоти “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Ота юрти Зоминга, она қишлоғи Парчаюзга ҳар гал йўл олар экан, янги-янги чизгиларда мўъжизалар яратишга катта иштиёқ пайдо бўлади. Уйқусиз тунлар, кўзларни қамаштирувчи ранглар яна уни сеҳрли оламга етаклайверади. Зеро, сирдарёлик шоир Ҳаёт Шодмон битикларида қайд этганидек:

*Тўрт энлик, чорчўпли,*
*дағал сур мато,*
*Қоришмоқ ишқида*
*мой бўёқлари.*
*Интиқ бир висолнинг*
*тафтини торта,*
*Қозиқдай қоқилар,*
*қум оёқлари...*

*Ўлан тўшак ҳаққи*
*айтимларим кўп,*
*Менга ҳам муқаддас*
*шу эл, шу тупроқ.*
*Анорқул наздида*
*бетакрордек хўп,*
*Сўзсиз сўз сўзлайди*
*сеҳрли бўёқ...*

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

НАНКИН – 2014



# НИШОНГА «ОЛТИН»НИ ОЛДИ

*Хитойнинг Нанкин шаҳрида давом этаётган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида ўқ отиш бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Владимир Свечников олимпия терма жамоамиз ҳисобидаги дастлабки олтин медални қўлга киритди.*

10 метр масофадан пневматик тўппончадан ўқ отиш бўйича микст йўналишида болгариялик Лидия Ненчева билан тандем ҳосил қилган ҳамюртимиз финалда Сингапур ва Миср вакилларидан устун келди. Саралаш баҳсида ушбу тандем дастлаб Норвегия ва Франция, ярим финалда эса Ҳиндистон ҳамда Словения терма жамоаларининг дуэтини мағлубиятга учратган эди.

Шунингдек, дзюдо бўйича жамоавий мусобақаларда финалга чиққан ҳамюртимиз Суҳроб Турсунов ҳам мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

Таэквондонинг WTF йўналиши бўйича баҳсларда иштирок этаётган Умида Абдуллаева эса кумуш медаль билан тақдирланди. У финалда америкалик Кендл Юнга имкониятни бой берди.

Маълумки, аввалроқ дзюдочимиз Суҳроб Турсунов ва оғир атлетикачимиз Адҳамжон Эргашев бронза медалларига сазовор бўлишганди.

Ҳозирда Ўзбекистон делегацияси аъзолари 2 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритган ҳолда Марказий Осиё давлатлари орасида етакчилик қилишмоқда.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

○ Реклама ўрнида




○ Реклама ўрнида




○ Реклама ва эълонлар





Утерянные бланки формы № 0402005 номера IPBJ 1735178, IPBJ 1735179, IPBJ 1735180, IPBJ 1735181, IPBJ 1735182, IPBJ 1735183, IPBJ 1735184, IPBJ 1735187, IPBJ 1735189, IPBJ 1735190, IPBJ 1735191, IPBJ 1735192, IPBJ 1735193, IPBJ 1735194, IPBJ 1735195, IPBJ 1735196, IPBJ 1735197, IPBJ 1735198, IPBJ 1735199, IPBJ 1735200 принадлежащие Чиланзарскому филиалу АКИБ Ипотека Банк, считать недействительными.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан (09.01.2013 й., № 1353) рўйхатга олинган “GRAND DREAM DEVELOPMENT” МЧЖ ХК, Жамият Иштирокчисининг 18.08.2014 й. даги 2/2014-сонли қарори асосида устав фонди миқдори 300 000 АҚШ долларидан 183 500 АҚШ долларигача камайтирилганини маълум қилади. Ариза ва таклифлар учун манзил: Тошкент ш. М.Улуғбек т. Паркент кўч. 11 уй.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (24.03.2014 й., реестр № 0114440) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Садикбеков Отабек Турабековичга (ИНН 601806268) тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. ТСРЎИ томонидан (03.02.2010 й., реестр № 005411-04) рўйхатдан ўтган “TABIAT SAVDO” МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Улуғбек УЗОҚОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99891) 332-00-88; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: Н.РАИМҚУЛОВА
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-819, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.30
16276 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5